

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ДОН ИНСПЕКЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг дон маҳсулотлари ҳамда нон корхоналарида қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари талабларини бажаришда кўплаб учрайдиган камчиликлар ва уларни бартараф этишга доир

ҚЎЛЛАНМА

Хурматли тадбиркорлик субъектлари ва корхоналар раҳбарлари!

Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар мамлақтимизда етишти-рилган буғдой ички эҳтиёжни қондирмасдан, четдан олиб келинар эди. Юртбошимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йиллари-даёқ ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибори бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан кишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар, кишлоқ хўжалигида фермерчи-ликнинг ривожлантирилиши ва ҳукумат томонидан кўллаб қувват-ланиши натижасида ғалла майдонлари ва олинаётган ҳосилдорлик йилдан-йилга кўпайиб, мамлақатимиз ғалла мустақиллигига эри-шибгина қолмасдан четга дон экспорт қилувчи мамлақатлар қаторидан жой олди.

Ўзбекистон Республикасида давлат ресурсига қабул қилинган дон ва дон маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳукумат томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли ғарори билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини ғабул ғилиш, сағлаш, ички ташиш, ғайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тўғрисида»ги Низом ҳамда дон соҳасига оид бир қатор йўриқномалар ва меъёрий-ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ушбу тавсиялар сиз раҳбарлик қилаётган корхонада Ўзбекистон Республикасининг дон, нон соҳасига йўналтирилган Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари талабларини бузулишини олдини олиш учун тақдим этилмоқда.

Дон қабул қилиш ва қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлар учун умумий тартибдаги тавсиялар:

Корхона элеватори, тегирмони ва омихта ем мажмуасида тех-нологик жараёнларни тўғри ташкил қилиш;

дон қабул қилиш, жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлашга бериш жараёнида мавжуд дастгоҳларнинг ишчи ҳолатини ва дон тозалаш жиҳозларининг иш самарадорлигини аниқлаб бориш;

давлат ресурсига донни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнларида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш ва сифатли сақла-нишини таъминлаш;

корхонадаги мавжуд элеваторлар, омборлар ва айвонларнинг техник ҳолатини талаб даражасида бўлиши, сақлаётган дон ва дон маҳсулотларини дон зараркунандалари билан зарарланишига йўл қўймаслик;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг сифат кўрсат-кичларини аниқлашда норматив-техник хужжатлар ҳамда техник шартлар талабларига риоя қилиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг (ун, ёрма, кепак ва бошқалар) сифатини давлат стандартлари талабларига мослигини таъминлаш;

тайёр маҳсулотлар омборида сақланаётган ун маҳсулотлари-нинг давлат стандарти талаблари даражасида сақлаш;

корхонанинг омихта ем ишлаб чиқариш мажмуасида сақланаётган хом-ашёларни сифатли сақланишини таъминлаш, омихта ем таркибини қўшимча компонентлар билан бойитиш ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланган рецепт асосида ишлаб чиқариш;

корхонанинг ишлаб чиқариш технологик лабораторияларини талаб даражасида иш олиб боришини таъминлаш, зарур жиҳозлар, ускуналар, тарозилар, кимёвий реактивлар билан таъминлаш;

корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхши-лаш бўйича “Сифат куни” тадбирларини доимий равишда малакали ўтказиб бориш;

корхонада Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган “Дон ва дон маҳсулотларини ўсатиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмий-лаштириш тўғрисида”ги Низом талаблари асосида миқдор ва сифат ҳисоби ҳамда бирламчи хужжатларни юритиш зарур.

Нон ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлар учун умумий тартибдаги тавсиялар:

Донни қайта ишлаш маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ҳамда бериш тартибларига риоя қилиниш ва ўрнатилган

технологик қурилмаларнинг норматив-ҳужжат талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

уннинг миқдор ва сифат ҳисобини тўғри юритиш;

технологик жараён тартибларига риоя қилиш, ишлаб чиқариш цехлари, омбор ва ёрдамчи хоналарнинг санитария-гигиеник ҳолатини доимий назоратга олиш;

технологик жараёнда, ундан оқилона фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатувчи асосий параметрларини назорат қилиб бориш;

уннинг сарфланишини меъёрлаш ва хом-ашёдан оқилона фойдаланиш;

нон маҳсулот ишлаб чиқаришда мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган хом-ашё ва маҳсулотлардан фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқарилган нон ва нон маҳсулотлари учун мувофиқлик сертификатини олиш;

маҳсулот ва хом-ашёларини сақлаш учун ажратилган омборлар техник ҳолатини талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

ишлаб чиқариш технологик лабораторияси шаҳодатланган, малакали кадрлар билан таминланган, хоналари етарли, зарурий ўлчов воситалари ва синов ускуналари, реактивлар билан жиҳозланган, лаборатория ускуналари метрологик кўриқдан ўтказилган бўлиши;

корхона лабораториясида ўтказилаётган синовларни норматив-техник ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказиш, тасдиқланган шаклдаги журнал ва китобларда расмийлаштириб борилиши лозим бўлади.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг веб-сайтида (www.uzddi.uz) “Ўздав-донинспекция” тўғрисида, шунингдек амалдаги меърий ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа қизиқтирган маълумотлар билан кенгроқ танишишингиз мумкин.

Шунингдек, “Ўздавдонинспекция”нинг марказий аппарати ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларида тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш учун **“Ишонч телефон”**лари ва ҳар ойнинг учинчи шанба кунлари **“Очиқ эшиклар куни”** ташкил этилган. Ушбу тадбирларда иштирок этиб муаммоли масалаларга ойдинлик киритишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, савдо расталари, 1-бино **“Ишонч телефони”** (8-371) 244-87-53 электрон почта - info@uzddi.uz

“Ишонч телефонлари”

Т/р	Ҳудудий бўлинмалар	Телефон рақамлари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	8-361-224-72-50
2	Андижон вилояти	8-374-226-64-82

3	Бухоро вилояти	8-365-225-60-98
4	Жиззах вилояти	8-372-221-02-13
5	Қашқадарё вилояти	8-375-226-28-31
6	Навий вилояти	8-436-225-58-00
7	Наманган вилояти	8-369-237-22-80
8	Самарқанд вилояти	8-366-229-17-99
9	Сирдарё вилояти	8-367-372-27-27
10	Сурхондарё вилояти	8-376-227-54-81
11	Тошкент шаҳри ва вилояти	8-371-244-78-52
12	Фарғона вилояти	8-373-224-40-05
13	Хоразм вилояти	8-362-277-88-22